

ШАРТНОМА 06/22

Андижон шаҳри,

«28» Июнь 2022 йил

“Uz-Koram Ko” Масъулияти чекланган жамияти Бош директори Galvez Rodrigo Zarzosa, келгусида «БУЮРТМАЧИ» деб юритилади, корхона Низомига асосан бир томондан ва «Daily-Food» Масъулияти чекланган жамияти директори Б.Мирзаев, кейинги ўринларда “БАЖАРУВЧИ” деб юритилади, жамият Низомига асосан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидаги мазмунда туздилар.

1. Шартноманинг мазмуни

1.1. “БАЖАРУВЧИ” буюртмачининг ёзма ёки оғзаки буюртмасига асосан сифати амалдаги андозалар, санитария талабларига жавоб берувчи иссиқ озиқ-овқатлар (келгусида “Иссиқ овқат” деб юритилади) билан олдиндан келишиб олинган ва тасдиқланган рўйхатга асосан микдорда ва муддатларда буюртмачини таъминлайди, БУЮРТМАЧИ уларни қабул қилиб олади ва ҳақ тўлайди.

1.2. Иссиқ овқат учун масаллиқлар Буюртмачи томонидан етказиб берилса, Бажарувчи ушбу харажатларни тўлаб беради.

1.3. Буюртмачи ўз ҳисобидан ишчи ходимлар учун ошхонада байрам тадбирларини ўтказса, бажарувчининг хизматларини тўлаб беради.

2. Иссиқ овқатни топшириш-қабул қилиш ва ҳисоб-китоб тартиби

2.1. «Иссиқ овқат» ошхонада заявка орқали ишчи-ходимларга етказиб берилади.

2.2. Етказиб берилган Иссиқ овқат учун тўлов бир ойлик талабга биноан олдиндан 50% пул ўтказиш йўли билан ўтказилади, қолган қисми тақдим этилган ҳисоб-фактура ва ишларни бажарилганлиги тўғрисидаги далолатномага асосан амалга оширилади.

3. Шартноманинг қиймати ва иссиқ овқат ҳамда хизматларни қабул қилиш тартиби

3.1. Шартноманинг тахминий суммаси 4 052 160 000 (тўрт миллиард эллик икки миллион бир юз олтмиш минг) сўмни ташкил этилади.

3.2. Иссиқ овқатнинг нарҳи ўзаро тасдиқланган ва шартноманинг ажралмас қисми бўлган СПЕЦИФИКАЦИЯ № 1 га асосан белгиланади. Унинг нарҳи масаллиқлар таннарҳининг ўзгариши муносабати билан, БАЖАРУВЧИнинг 1 (бир) ой олдиндан ёзма мурожатига асосан қайта белгиланади.

3.3. Иссиқ овқатни қабул қилиш Бажарувчи томондан тайинланган ишчи гуруҳ томонидан куйидаги тартибда амалга оширилади:

-Иссиқ овқат тайёрланишдан олдин унга кетадиган хом ашё (масаллиқ) микдори, тури қабул қилиб олинади;

-Тиббий бўлим ходими иссиқ овқатнинг сифати, ошхона ва ундаги анжомларнинг тозалигини ҳар кунлик текширувини олиб боради, бу тўғрисида махсус китобга ёзма маълумот киритади.

4. Томонларнинг мажбуриятлари

БАЖАРУВЧИ:

-Ишга фақат махсус мутахассисликка ва тажрибага эга бўлган мутахассисларни ишга олиш;

-Ходимларни қонунчиликда белгиланган тартибда ишга қабул қилиш ва жорий тиббий кўрикдан ўтказиб бориш;

-Иссиқ овқатни амалдаги мавжуд андоза ва санитария талабларига мос равишда тайёрлаш;

-Зарур маҳсулотларни корхона ҳудудига олиб кириш ва олиб чиқишда тегишли ҳуджатларга асосан амалга оширилади;

-Иссиқ овқатни шартномада ва буюртмада белгиланган муддатда тайёрлаш;

-Иссиқ овқат етказиб бериш муддатларида ўзгаришлар пайдо бўлганда, бу тўғрисида БУЮРТМАЧИни бир кун олдин хабардор қилиш;



- Ошхонада ёнгин хавфсизлиги ва санитария талабларига тўлиқ риоя этиш;
- Буюртмачининг мулки булган асбоб-ускуналар ва инвентарларни яхши ҳолатда сақлаш, шунингдек кичик таъмирларни амалга оширишга ва унинг айби билан етказилган зарарларни тузатиш;
- Корхона ошхонасида ишчи – ходимлар учун иссиқ овқат тайёрлашда сарфланган электр энергия тўловларни ўз вақтида корхонага тўлаб боради.

БУЮРТМАЧИ:

- Иссиқ овқат миқдори учун ишчи-ходимлар сонини, олдиндан буюртмачининг ходимлар билан ишлаш бошқармаси томонидан энг ками бир кун олдин ёзма тасдиқланган рўйхат тақдим этиш.
- Иссиқ овқат тайёрловчи электр қозон, газ плита ҳамда печларни қайта таъмирлаш харажатларини қоплаш;
- Иссиқ овқатни ўз вақтида қабул қилиш;
- Тақдим этилган ҳужжатга асосан Иссиқ овқат учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш;
- Иссиқ овқат олиш муддатларида ўзгаришлар пайдо бўлганда, бу тўғрисида БАЖАРУВЧИНИ бир кун олдин хабардор қилиш.
- Ошхона худудини жорий тамирлаш ишлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш.
- Электр энергия ва газ учун тўловни ўз вақтида тулаш.
- Буюртмачи Бажарувчига асбоб ва ускуналарни қабул қилиш Акти бўйича яхши ҳолатда топшириши, агар топшириш пайтида ускуналарнинг носозлиги аниқланса, Буюртмачи уни ўз ҳисобидан тузатиш.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Агар таёрлаб берилган иссиқ овқат кўрсатилган хизматлар сифати, асартименти бўйича стандартлар, техник шартлар, науналарга қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, Буюртмачи иссиқ овқатни (хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳаққини тўлашни рад этиб, Бажарувчидан сифати асартименти лозим даражада бўлмаган иссиқ овқат (хизматлар)нинг (хар бир ниқланган кунинда ҳолат учун) 20% миқдориди жарима ундириб олишга, агарда иссиқ овқат (хизматлар) ҳаққи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати асартименти лорзим даражада бўлмаган иссиқ овқат (хизматлар) етказиб берганлик учун жарима бажарувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

Жарима ундириш тўғрисида тўлов талабномаси билан муассасига иссиқ овқат (хизматлар)нинг сифати, асартименти лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузулгандан кейин тақдим этилади.

5.2. Тайёрлаб берилган иссиқ овқат ҳаққини ўз вақтида тўламаганлик учун Буюртмачи бажарувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

5.3. Шартнома бўйича жавобгарликка тортилиши томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

5.4. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган бошқа ҳолатлар бўйича жавобгарлик амалдаги қонунчиликда кўрсатиланган ҳолда белгиланади.

6. Шартноманинг муддати ва уни муддатидан олдин бекор қилиш тартиби

6.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб 2023 йил 01 сентябрга қадар амал қилади.

6.2. Шартнома буюртмачи томонидан қуйидаги ҳолатларга кўра 3 ой олдин бажарувчини ёзма огоҳлантирган ҳолдагина муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

- Бажарувчи ошхонада ёнгин хавфсизлиги, санитария ва бошқа қоидалар талабларига риоя этмаса ва бу буюртмачига зарар етказса ёки зарар етиши мумкин бўлган бўлса;
- Амалдаги қонунчилик талабларига асосан.

6.3. Бажарувчи шартнома муддати олдиндан тугаши тўғрисида огоҳлантириш олган кундан бошлаб бошқа хизмат кўрсатувчи аниқланган кунгача шартнома шартларини тўлиқ бажаришни ўз зиммасига олади.

7. Форс-мажор

7.1 Томонларга боғлиқ бўлмаган фавкулотда ҳолатларда (табiiй офатлар, оммавий тартибсизлик ва бошқа ҳолларда) ва ҳукумат қарорларининг таъсири оқибатида шартнома шартлари бажарилмагани учун томонлар жавобгар эмаслар.

8. Бошқа шартлар

8.1. Ушбу шартнома ва унга оид бошқа низолар ўзаро келишиш йўли билан ҳал этилади. Низоларни Андижон Иқтисоди суди орқали ҳал этилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

8.2. Мазкур шартнома томонлар учун биттадан икки нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга.

9. Томонларнинг манзили ва тўлов реквизитлари

«БУЮРТМАЧИ» «UZ-KORAM KOMPANI»

Масъулияти Чекланган Жамияти
Андижон шаҳри, Янгиайланма, 1-уй.
Х/р 20208000100516389001

«Хамкорбанк» Андижон шаҳар бўлими
код 00083; ИНН: 200908912; ОКОНХ:13141

Бош директор.

Galvez Rodrigo Zarzosa



«БАЖАРУВЧИ» «Daily-Food»

Масъулияти Чекланган Жамияти
Андижон шаҳри, 1-тор Айрилиш, 4-уй.
х/р 20208000701006828001
«Ипак йўли банк» Андижон бўлими
Код 01120; ИНН:306100084;

Директор

Б.Мирзаев



Спецификация № 1
к договору №05/2022 от 27.06.2022 года

г. Андижан

27.06.2022 г.

ООО «Daily-Food» именуемое в дальнейшем Исполнитель, в лице Мирзаева Б.А., действующего на основании Устава с одной стороны оказывает, а ООО «Uz-Koram Ko» именуемое в дальнейшем Заказчик, в лице директора Galvez Rodrigo Zarzosa с другой стороны принимает нижеследующие услуги:

№	Наименование	Ед.изм	Кол-во	Цена без НДС	НДС 15%	Цена с НДС
1	Питание	чел		16 086,96	2 413,04	18 500
2	Полдник	чел		4 347,83	652,17	5 000

Исполнитель
ООО «Daily-Food»



Заказчик
ООО «Uz-Koram Ko»



UZ-KORAM
KOMPA NI